
Фарғонада жами қўлланган вакциналар 1 миллион дозадан ошди
Жорий йилнинг 2 август ҳолатига кўра, вилоят ҳудудлари бўйлаб 32 259 доза
COVID-19га қарши вакцина қўлланилди.

Бу ҳақда Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги
хизмати Фарғона вилоят бошқармаси хабар бермоқда.

Улардан:

1-босқич эмланганлар 20 865 нафарни,

2-босқич эмланганлар 10 101 нафарни,

3-босқич эмланганлар 1 293 нафарни ташкил қилди.

Айни кунгача вилоятда жами 1 016 629 доза вакцинадан фойдаланилди.

Жами эмлашлар бўйича юқори кўрсаткичлар:

Олтиариқ тумани 76 807 доза,

Ўзбекистон тумани 74 980 доза,

Бешариқ тумани 74 971 дозани ташкил қилди.

Эмлаш жараёнлари давом этмоқда, дея қўшимча қилинади бошқарма хабарида.
2021-08-04 20:27:46